

ЙАНГИ УЗБЕКИСТОННИНГ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСИ**Ўтқуров Бахтёр Собиржон ўгли***ИИВ Академияси 3-укув**Курси 318-гуруҳ курсанти*

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборат. Ахир, юртимиз бахтиёр ёшлар мамлакати бўлиб, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 64 фоизини ёшлар, яъни 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Албатта бу, давлатимиз зиммасига улкан масъулият юклашини кўз олдимизга келтирсак, жуда катта эътибор, ғамхўрликни талаб этади, иккинчи томондан ёшларимизга кўрсатиладиган эътибор, эртага улкан ютуқ ва натижаларини ҳам беради. Чунки ҳозир Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг ярмидан кўпи ёшлардир. Келгусида ҳар учинчи раҳбар ҳам ёшлардан бўлади.

Шу боис ҳам, ёшлар барча даврларда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этиб келинган. Шарқ Уйғониш даврида ҳам, жадиждлар фаолиятида ҳам, жамиятнинг янгиланишида ёшларнинг ўрни беқиёс бўлган. Шу жиҳатдан мунтазам шаклланиб боровчи бу қатлам доимий йўналтириб ва қўллаб-қувватлаб туришни талаб этади... Бу эса, давлат томонидан ёшларнинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намоён этиши учун мақбул шароит ва имконият яратиш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими ёшларга оид давлат сиёсатини англатади. Шу боис, мамлакатимизда энг катта эътибор мустақил фикрлайдиган, ташаббускор,шижоатли ёшларни тарбиялашга қаратилган бўлиб, бу вазифа Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон, 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон фармонлари, шунингдек, кўплаб қарор ва ёшларга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган. Айниқса, бу борада «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш соҳасидаги янгилик бўлди десак муболаға бўлмайди. Маълумки, мазкур қонун 4 боб, 33 моддадан иборат бўлиб, давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш, уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа салоҳиятларини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутган. Унда белгиланган нормалар ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланган. Хусусан; ушбу қонуннинг 5 моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган. Ушбу йўналишлардан давлат

томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида қанчалик улкан вазифалар қамраб олинганлигини, эндиликда мазкур қонун ёшларга қандай имкониятларни кафолатлаётганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, қонунда ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни, ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ёшлар ижтимоий хизматига оид нормалар ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистонда буюк аллома Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Ёш математиклар халқаро олимпиадаси муваффақиятли ўтказилган, унинг мантикий давоми сифатида физика бўйича Аҳмад Фарғоний, кимё фани бўйича Абу Райҳон Беруний, биология бўйича Абу Али ибн Сино, астрономия бўйича Мирзо Улуғбек номларидаги халқаро фан олимпиадалари ташкил этилиши, иқтидор ва истеъдодли ёшларни қўллаб қувватлашдир. Мана, амалда бугун ижод, президент мактаблари, ихтисослаштирилган мактабларнинг фаолияти, олтин, кумуш медаль жорий этилгани, фан олимпиадаси ғолиблари, Зулфия, «Мард ўғлон» «Келажак бунёдкори» каби давлат мукофотларини жорий этилганининг туб мақсади, қонуннинг ҳаётийлиги ва ижросини таъминлашдир. Қонуннинг аҳамиятли томони яна шундаки, унда Ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш мақсадида «Ёшлар – келажакимиз» давлат дастури доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси тузилиб, ёшлар бизнес ташаббусларини, стартап, ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишлари учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз миқдорида имтиёзли кредитлар ва лизинг хизматлари кўрсатиш; ҳамда дастур доирасида ажратилаётган кредитлар миқдорининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда кафилликлар бериш каби имтиёзларни амалга оширди. Шунингдек, дастур доирасида ёш тадбиркорларнинг бизнес ташаббуслари, стартап, ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишда маслаҳат, ҳуқуқий, бухгалтерия ва бошқа хизматлар кўрсатиш, форумлар, мастер класс ҳамда семинарлар ташкил этиш мақсадида «Yosh tadbirkorlar» коворкинг марказлари ҳам амалий ёрдамга йўналтирилганди.

Айниқса, уюлмаган ёшлар учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилди. Бунда туман ва шаҳарларда ушбу ҳудудлар прокурорлари бошчилигида, туман ҳокимининг ёшлар сиёсати бўйича ўринбосари, ички ишлар бўлими бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман ва шаҳар кенгашлари раислари ҳамда тадбиркорликка кўмаклашиш марказларининг раҳбарлари иштирокида ёш тадбиркорликни қўллаб қувватлаш бўйича комиссиялар тузиш белгилаб қўйилганди.

Айнан эртанги кунимиз униб-ўсиб келаётган ёшларнинг идроки, дунёқараши, билими ва хунарига бевосита боғлиқ бўлади. Ёшларнинг билим олиш истагини ҳамиша биринчи галдаги вазифа сифатида қаралиши муҳимдир. , 2020/2021 ўқув йили бакалавр даражасига 145 мингдан ортиқ, яъни ўқув йилига нисбатан 15,6 фоизга



кўпроқ талаба қабул қилиш кўзланмоқда, бу йилги яъни 2020/21 ўқув йили учун ОТМларга қабулда 8694та имтиёзли грант квотаси ажратилгани ҳам диққатга сазовордир. Имтиёзли квоталар 7 хил тоифадаги абитуриентларга берилмоқда.. Янги ўқув йилидан бошлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган қизлар учун кундузги таълим шакли бўйича тасдиқланган давлат грантларига нисбатан 4 фоиз миқдорда алоҳида грант ўринлари ажратилади. Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилида «Математика» ва «Табийий фанлар» таълим соҳалари бўйича магистратура мутахассислари учун давлат буюртмаси параметрлари тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилади. Шунингдек, Сўх туманида истиқомат қилувчи умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига ОТМларга кириш учун алоҳида 500та давлат гранти квотаси ажратилгани ҳам хушxabардир. Ҳар тугул давлат олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассисликларига ўқишга кириш, шунингдек, бакалаврият таълим йўналишларига ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш учун ҳужжатларни топшириш жараёни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти орқали амалга оширилиши ҳам ёшлар учун яратилган энг мақбул имкониятдир. Бу Ўзбекистоннинг келажаги ёшларимизнинг умид юлдузидир.